



2015 у.г. «10» ноябрь

№ 145-Ф

Samarqand sh. – г. Самарканд

Самарканд вилояти, шаҳар ва туман ҳокимликларида
фаолият юритаётган ходимларнинг ахлоқ ва хизмат
одоби қондалари тўғрисида

Мамлакатимизда амалга оширилиб келинётган демократик ислохотлар жараёнида маҳаллий ҳокимликлар олдида турган вазифаларни амалга ошириш, ушбу жараёнда Самарқанд вилояти, шаҳар ва туман ҳокимликларида фаолият юритаётган ходимлар масъулиятини ошириш, улар фаолиятида амалдаги қонунчиликка риоя этиш ҳолатини янада кучайтириш мақсадида

1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари аппарати ходимларининг ахлоқ ва хизмат одоби қондалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосарлари, қотибият мудирилари, туман ва шаҳар ҳокимлари:

- ахлоқ ва хизмат одоби қондаларида белгиланган талаб ва қондаларга ҳокимлик ходимлари томонидан оғишмай риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин ва қундалик фаолиятида риоя этилиши шарт бўлган хужжат сифатида мукамал ўрганилиши, ҳар бир ходимда мавжуд бўлишини таъминласин;

- қўл остидаги ходимларнинг хизмат вазифаларига виждонан ва масъулият билан ёндашишларини таъминлаб, уларда фидойилик, ҳалоллик ва қатъиятлик каби хислатларни шакллантириш ҳамда улар орасида ҳар қандай ноҳўя ҳатти-ҳаракат (харакатсизлик)лар содир этилиши ҳолатларининг олдини олиш ва барҳам бериш чораларини кўриб бораин.

3. Ахлоқ ва хизмат одоби қондаларига риоя этиш ҳар бир ходим маданиятининг ажралмас қисмига айланишига эришиш ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ходимлари меҳнатини муносиб кадрлаш мақсадида ахлоқ ва

манфаатлари йўлида фойдаланишга, сир сақланиши лозим бўлган ҳужжат ва ахборотларни ошкор қилишга ёки тарқатишга ҳақли эмас.

Фуқаролар билан йиғилишлар, суҳбатлар ёки бошқа мулоқот вақтида одоб-ахлоққа зид бўлган ҳаракатларни бажариши ман этилади.

VI. Ҳокимлик ходимининг хизмат ва ишга доир

одоб-ахлоқ қоидалари

Ҳокимлик ходими ҳар қандай ҳолатда ҳокимлик манфаатларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлардан тийилишлари ва ўз хизмат вазифасини суъистемол қилишни мутлақо чеклашлари шарт.

бирор-бир нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, зудлик билан ўзидан юқори турувчи раҳбарни хабардор қилиши;

ҳокимликнинг шаъни ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўриши;

агар ходимга уни гайриқонуний қарор қабул қилишга оғдириш мақсадида таъсир кўрсатилаётган бўлса ва бунда ходим бундай таъсирга мустақил равишда қаршилиқ қила олмаса, бу ҳолат тўғрисида ўзининг бевосита раҳбарига ёки раҳбариятга дарҳол хабар қилиши;

ошкор қилинмаслигига ўзи масъул бўлган ва (ёки) ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан хабардор бўлган ахборотнинг хавфсизлиги ва унинг сир сақланиши бўйича тегишли чоралар кўриши лозим.

Иш жараёнида тазйиқ, камситувчи фикр ва сўзлар, нормал мулоқотга тўқсинлик килувчи ёки ҳуқуққа хилоф ҳулқ атворга олиб келиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлар ман этилади.

Ҳокимликларда ходимлар ўртасида хизмат вазифалари тенг тақсимланиши шарт. Раҳнамолик (асоссиз рағбатлангириш ва лавозимини кўтариш), шунингдек ноҳўя ишларга бепарволик (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид ҳаракатларга эътибор бермаслик) ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин эмас.

Ҳокимликларда ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва рағбатлангириш ишларида унинг миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, жинси ва бошқа белгиларидан қатъий назар, маҳаллийчиликка, уруғ-аймоқчиликка, таниш-билишчиликка берилмаган ҳолда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиниши шарт.

Миллий ва умумбашарий қадриятларга хос бўлмаган ёки ҳокимликнинг ички муносабатларига тааллуқли масалаларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш тақиқланади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари аппарати ходимларининг ахлоқ ва хизмат одоби

ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари аппарати ходимларининг (кейинги ўринларда – ҳокимлик ходимлари) ахлоқ ва хизмат одоби Қоидалари (кейинги ўринларда - Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси қонуни, давлат ва жамиятнинг умумий қабул қилинган ахлоқ-одоб нормаларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти олдида турган асосий мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда ҳокимлик ходимлари учун умумий маънавий-ахлоқий принципларни белгилаш, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат муносабатларида миллий қонунчилик талабларига риоя қилиш, низоли вазиятларни олдини олиш ёки томонларни муросага келтириш, барча даражадаги ҳокимлик ходимларини иш фаолиятида амал қилиши лозим бўлган қоидаларни ҳокимлик фаолиятига тағбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қоидалар:

- ҳар бир ҳокимлик ходимининг меҳнат ва ҳаёт фаолияти давомида жамоатчилик орасида ўзини тутиш қоидаларини;

- ҳокимлик ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини бажаришда риоя этиши лозим бўлган асосий касбий этика тамойилларини;

- ходимлар ўртасида низоли вазиятлар ва манфаатлар тўқнашуви содир бўлганида муроса қилишга доир тавсияларни белгилайди.

II. Қоидаларнинг амал қилиш соҳаси

Қоидалар маҳаллий давлат ҳокимликлари фаолиятида қўлланилади. Ҳокимликда фаолият кўрсатувчи ходимлар лавозимидан қатъий назар ушбу Қоидаларга риоя этишлари шарт.

Ҳокимлик ходимлари ушбу Қоидалар билан шахсан танишади, ҳокимликга ишга қабул қилинаётган фуқаро эса Қоидалар билан танишганилиги тўғрисида имзо чекади.

III. Қоидаларнинг принциплари

1. Ўзбекистон Республика Конституцияси, Қонунлари, қонуности ҳужжатларига амал қилиш принципи.

Ҳокимлик ходими Ватанимизга содиқ бўлиши, унинг манфаатларини химоя қилиши, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига, касбий бурча содиқ бўлиши, ўз лавозим мажбуриятларини бажараётганда бошқаларга ўрнак бўлиши ва ҳокимлик ходими номига доғ туширадиган ҳаракатлар қилмаслиги лозим.

2. Жамият манфаатларига хизмат қилиш принципи.

Ҳокимлик ходими ўз фаолияти давомида давлат ва жамият манфаатларидан шахсий манфаатларини устун қўймаслиги;

хизмат вазифасини бажариш жараёнида адолатли бўлиб, амалдаги қонунларга, маънавий-ахлоқий кадриятларга риоя қилиши лозим.

3. Ўзини-ўзи назорат қилиш принципи.

Ҳокимлик ходими ички меҳнат тартиби қондаларига онгли, ихтиёрий равишда риоя этиши, барча давлат ва жамоат институтларини хурмат қилиши ва уларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиши, ҳокимлик имиджини қўллаб-қувватлаши ва мавқеини мустаҳкамлашга доимо қўмаклашиши, жамоат орасида ўзини яхши туттиши шарт.

4. Шахсни ва инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш принципи.

Ҳокимлик ходими инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини, унинг жамиятдаги обрўсини хурмат қилиши, ижтимоий-ҳуқуқий тенгликни сақлашга қўмаклашиши;

Ўқуқроларни жинси, irqи, миллати, дини ёки сиёсий қарашларидан қатъий назар камситишга йўл қўймаслиги лозим.

5. Умум-ахлоқий принцип.

Ҳокимлик ходими ўз ҳаётий фаолиятида инсонпарварлик, ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларига хурмат тамойилларига риоя этиши лозим.

Ҳалоллик ва бетаразлик – ҳокимлик ходими меҳнат фаолиятининг зарурий шартларидир.

Ҳокимлик ходими ўз лавозим мажбуриятларини бажараётганда инсоний ва касбий ахлоқ қондаларига риоя этиши, қарор ва хулоса чиқаришда мулоҳазали бўлиши, ўз иштини ҳалол бажариши лозим. Фақат текширилган ва ишончли далилларга асосланган ахборотгина хулоса чиқариш учун асос бўла олишини унутмаслиги шарт.

Доимо қомилликка интилиш, касб кўникмалари ва малакасини ошириб бориш, ҳокимлик ходими сифатида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш, янги замонавий билимларга эга бўлиш ҳокимлик ходимининг маънавий бурчи ва касбий мажбуриятдир.

Ҳокимлик ходими ҳокимликнинг ижобий қиёфасини шакллантиришга ҳар томонлама қўмаклашиши, унинг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши ва нуфузини оширишда фаоллик кўрсатиши лозим.

IV. Ходимлар ўртасида ўзаро муносабатдаги одоб-ахлоқ қондалари

Ҳокимлик ходимлари ўзаро муносабатларда – яғона жамоа, ўзаро хурмат, дўстлик, ҳамжихатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига амал қилишлари шарт.

Ҳокимлик ходимларининг ўзаро муносабатларида инсон қадр-қимматиغا ҳурматсизлик қилиш ман этилади.

Жамоада бирор бир масала билан маъмуриятга мурожаат қилиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Ходимларнинг ҳокимликда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

Ҳокимликлар ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютер, интернет тармоғи ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, шунингдек, дам олишлари ва жисмонан чинқишлари учун барча шароитларни ярағиб бериш чораларини кўради.

V. Ҳокимлик ходимларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлардаги одоб-ахлоқ қондалари

Ташкилотлар ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қонуний ҳуқуқ ва манфаатлар бузилишига йўл қўймаслик, ўз лавозим мажбуриятлари ва ушбу Қондаларда белгиланган принципларга қатъий риоя этилиши лозим.

Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилишига қатъий риоя қилиниши шарт.

Ҳокимлик ходими ҳолис бўлиши ва қуйи ҳокимлик ёки бошқа ташкилотлар фаолиятини ўрганиш вақтида вақолат доирасидан четга чиқмаслиги;

фуқаролар ҳамда бошқа ташкилот раҳбари ва ходимларини обрўсизлантириш ёки фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган муносабатларга киришмаслиги;

шахсий манфаати йўлида суистеъмолчиликлардан, ноқонуний мукофот ва совғалар олишдан тийилиши;

бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатларда ишчанлик услубига ва хайрихоҳликка риоя қилган ҳолда, профессионаллик ва босқиликка риоя қилиши;

оммавий ахборот воситалари вакилларининг жамиятни ҳокимлик фаолияти ҳақида хабардор қилишга оид ишларини хурмат қилиши ва ҳаққоний маълумотлар олиниши учун белгиланган тартибда қўмаклашиши лозим.

Ҳокимлик ходими ўз расмий мавқеи ҳамда ўз фаолияти билан шуғулланаётганда эга бўлган ахборотдан шахсий мақсадларда ёки учинчи томон

хизмат одоби қоидаларига доимий амал қилиб келаётган, иш фаолиятида алоҳида ўрнатилган хўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-маънавий рағбатлантириш назарда тутилсин.

4. Вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимининг «Раҳбар маънавияти» ўқув семинарларини режали тарғиботда ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Ҳар ойнинг биринчи жума кунни ҳокимликларда «Маънавият соати» ташкил этилсин.

5. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (А.Тамикаев) зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



3. Мирзаев

Иш компьютерларида ҳокимлик фаолиятига тегишли бўлмаган маълумот ва материалларни тайёрлаш, сақлаш ҳамда улардан ҳар қандай усулда фойдаланиш қатъиян ман этилади.

Ўз хизмат вазифаларини бажараётган ҳокимлик ходимларининг ташқи кўриниши хизмат шарт-шароитлари ва хизмат тадбири хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ҳокимликка нисбатан ҳурмат муносабатида бўлишига хизмат қилиб, умумий қабул қилинган ишчанлик услубига мослиги, расмийлиги, камтарлиги, анъанавийлиги ва озодаллиги билан ажралиб туриши керак.

VII. Иш фаолиятидан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

Ҳокимлик ходими иш фаолиятидан ташқарида ҳам ўзининг хулқ-атвори билан фуқароларнинг ўз касбига бўлган ҳурматини, ҳокимлик тизимига бўлган ишончини шакллантириши ва ҳокимликнинг юқори нуфузини сақлаб қолишга сабабчи бўлиши;

обрусини тўқадиган муносабатлардан йироқ бўлган ҳолда, ўзининг муомала доирасини шакллантиришда эҳтиёткорликка риоя қилиши лозим.

VIII. Яқуний қоидалар

Мазкур Қоидалар ҳар бир ҳокимлик ходимига имзо қўйдирилган ҳолда етказилади.

Ҳокимлик ходими Қоида талабларини тўлиқ билиши ва унга қатъий амал қилиши шарт.

Қоидалар талабларининг бажарилиши ҳокимлик ходимларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий чоралар кўриш учун асос сифатида олинishi мумкин.